

“ТАСДИҚЛАНГАН”  
“Ориент Финанс” ХАТБ  
Акциядорлари умумий

йиғилишининг  
2017 йил 27 «          »            даги  
1 - сонли баённома қарори

Акциядорлар умумий йиғилиши Раиси  
С.Д.Полатов



---

«ОРИЕНТ ФИНАНС»  
ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ  
АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ  
(янги тахрирда)

---

Келишилган:

Бошқарув Раиси  
Б.Б.Парпиев

Ғазничилик ва молиявий таҳлил  
департаменти директори  
Ғ.Н.Санаев

Бошқарув Раиси  
биринчи ўринбосари  
Т.Ф. Джунайдуллаев

Кредитлаш департаменти  
директори  
З.З.Рузиев

Бошқарув Раиси ўринбосари  
Ш.Ш.Тўйбоев

Юридик хизмат департаменти  
директори

Б.М. Усманов

Бош бухгалтер  
Д.Т. Рахимов

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1.1** Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлар жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлари, “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 943, 2000 йил 5 июль) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек “Ориент Финанс” хусусий акциядорлик тижорат банкнинг (кейинги ўринларда – “Банк”) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**1.2** Ушбу Низом Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши (кейинги ўринларда “Умумий йиғилиш”) мақомини, уни чақириш, ўтказиш ва унда қарорлар қабул қилиш тартибини белгилайди.

**1.3** Умумий йиғилиш ўтказилишида Банкнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахсларининг асосий вазифалари бўлиб акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилинишини, уларга Банк фаолияти, Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар билан боғлиқ маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилишини таъминлаш ҳисобланади. Умумий йиғилишнинг регламенти (олиб бориш тартиби)ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш орқали акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилиниши ҳамда акциядорларга бир хил муносабат таъминланади.

**1.4** Умумий йиғилиш Банкнинг юқори бошқарув органидир. Умумий йиғилиш Банк фаолиятидаги асосий масалаларни кўриб чиқади, улар бўйича қарорлар қабул қилади ва акциядорларнинг Банкни бошқаришда иштирок этишларининг асосий усули бўлиб ҳисобланади.

**1.5** Умумий йиғилиш йиллик ва навбатдан ташқари бўлиши мумкин. Банк ҳар йили Умумий йиғилишни (Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

**1.6** Йиллик Умумий йиғилиш ҳар йили молия йили тугаганидан кейин май ойининг 01 санасидан 31 санасигача бўлган давр оралиғида ўтказилади. Йиллик Умумий йиғилишда Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисидаги, Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Банкнинг йиллик ҳисоботи, Банк Бошқаруви ва Кенгашининг Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

**1.7** Йиллик Умумий йиғилишдан ташқари ўтказиладиган Умумий йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

**1.8** Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, жой ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш шакли, Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Банк Кенгаши томонидан белгиланади.

## **2. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

**2.1** Умумий йиғилишнинг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- 1) Банк Уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;
- 2) Банкни қайта ташкил этиш;
- 3) Банкни тугатиш, Тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) Банк Кенгашининг сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Банк Кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

5) Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6) Банкнинг Устав капиталини кўпайтириш ёки камайитириш;

7) Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳолларда Банкнинг ўз акцияларини олиш;

8) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Банк Бошқаруви органлари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш;

9) Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. Тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

10) Банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Банкнинг узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

11) Банкнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

12) Банк Кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк Кенгаши ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

13) Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

14) Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

15) Банк акцияларини майдалаш ва йириклаштириш;

16) Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар ва Банкнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

17) Банк Кенгашининг тавсияси бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, уларнинг миқдори ва акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича тўлов шакли ва тартибини белгилаш;

18) Ўзбекистон Республикаси Корпоратив бошқарув кодексига биноан ички назорат тўғрисидаги ва манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш;

19) Ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар - маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда Банкнинг бизнес-режаси ижроси ва ривожланиш стратегиясига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

20) Банк Бошқарувининг аффилланган шахслар билан битимлар ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Банкнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларини аниқлаш;

21) Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этмаганлик ёки Корпоратив бошқарув кодексига назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик учун Банкнинг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чорасини ўрнатиш;

22) Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида, мазкур Уставда ва Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

**2.2** Умумий йиғилишнинг ваколат доирасига киритилган масалалар Банк Кенгаши ҳал этиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

Банкнинг Устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Банк Уставига устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар китириш;

Акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банк Бошқарувини тузиш, Банк Бошқаруви Раисини тайинлаш, унинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

Банк Бошқаруви органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

Умумий йиғилиш томонидан тасдиқланадиган узоқ муддатли стратегия асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес-режаларини тасдиқлаш.

**2.3** Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича Банкнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади.

**2.4** Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Банкнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз» тамойили асосида, Банк Кенгаши аъзоларини сайлашда эса кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

**2.5** Умумий йиғилишни Банк Кенгашининг Раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Банк Кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради. Умумий йиғилиш Раисининг рухсатига асосан йиғилишнинг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляцияси амалга оширилиши мумкин.

**2.6** Мазкур Низомнинг 2.1-банди 1), 2), 3), 4), 5), 6), 7), 10), 14), 15), 16) ва 17) кичик бандларида назарда тутилган масалалар бўйича қарор фақат Банк Кенгашининг таклифи билан қабул қилинади.

**2.7** Умумий йиғилиш қарорлари, агар Банк Устави, ушбу Низом ва қонунчилик ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Банкнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

**2.8** Ушбу Низомнинг 2.1-банди 1), 2), 3), 5) 12) ва 16) кичик бандларида назарда тутилган масалалар бўйича қарор Умумий йиғилиш томонидан унда иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

**2.9** Агар акциядор (акциядорлар) узрли сабабга кўра Умумий йиғилишда иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

### **3. УМУМИЙ ЙИГИЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИНИ РҲЙХАТДАН ЎТКАЗИШ**

**3.1** Банк акциядорининг Умумий йиғилишда иштирок этиши, дивидендлар олиши ва Банкда корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида

белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш акциядорларнинг реестри асосида амалга оширилади.

**3.2** Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига Умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш куни олдин Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

**3.3** Умумий йиғилишда қатнашувчи акциядорларнинг рўйхати Саноқ комиссияси томонидан тузилади ва имзоланади. Акциядорлар рўйхатида ҳар бир акциядорнинг исми (номи), унинг манзили (жойлашган жойи), унга тегишли акцияларнинг сони ва тури тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

**3.4** Умумий йиғилишда акциядорлар рўйхатига киритилган, Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар, уларнинг вакиллари, Банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, Банк Тафтиш комиссияси аъзолари (Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссиясига номзодлар), ташқи аудиторлик ташкилоти вакили ва Ички аудит хизмати раҳбари иштирок этишлари мумкин.

**3.5** Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор Умумий йиғилишдаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир. Акцияларнинг номинал сақловчиси Умумий йиғилишда Банк акциядори томонидан берилган ва ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида қатнашиши мумкин.

**3.6** Акциядорнинг вакили Умумий йиғилишда ёзма шаклда расмийлаштирилган ишончнома асосида қатнашади. Бундай ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим.

**3.7** Жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Акциядор-юримдик шахс номидан берилган ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахс муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлиши лозим. Банк акциядори бўлган юридик шахс раҳбари юридик шахс номидан Умумий йиғилишида ишончномасиз иштирок этиши мумкин.

**3.8** Акциядор Умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан аввал уч кун муддатдан кечикмай Саноқ комиссиясига ариза ёзиб, ўз вакилига берган ишончномани қайтариб олиш ёхуд худди шу тартибда бошқа шахсга янги ишончнома расмийлаштириши мумкин.

**3.9** Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг вакиллари йиғилиш ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.

**3.10** Умумий йиғилишда қатнашиш учун рўйхатдан ўтказиш жисмоний шахслар бўлган акциядорларни паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат асосида, уларнинг вакилларини эса нотариал тасдиқланган ишончнома ва вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида амалга оширилади.

Банк акциядори-юримдик шахс раҳбари гувоҳнома (лавозимга тайинлаш ҳақидаги ҳужжат) ва шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида, бошқа вакили эса ўрнатилган расмийлаштирилган ишончнома ва шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида рўйхатдан ўтказилади.

**3.11** Умумий йиғилишида иштирок этиш учун Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган реестр асосида акциядорларнинг қайд этиш рўйхати тузилади (ушбу Низомнинг 1-иловаси). Қайд этиш рўйхати Саноқ комиссияси аъзолари томонидан имзоланади ва Банк муҳри билан тасдиқланади.

**3.12** Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри бўйича белгиланган ўзига тегишли овоз берувчи акциялари доирасида овоз бериш учун бюллетен (бюллетенлар) оладилар (ушбу Низомнинг 2 – иловаси).

**3.13** Агар йиғилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорларнинг манфаатларини ифодалаш учун ишончнома тақдим этса, у холда ушбу йиғилиш қатнашчисига у вакиллик қилаётган акциядор (акциядорлар) номидан овоз бериш учун бюллетен (бюллетенлар) берилади. Рўйхатдан ўтказиш пайтида у вакиллик қилаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига “\_\_\_ та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича “\_\_\_” “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ йилда берилган \_\_\_-сонли ишончнома” деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

**3.14** Умумий йиғилишда шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорларнинг ёзма талабига асосан, электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки техник воситалар, акциядор/унинг вакилини идентификация қилиш имконини берувчи техник жиҳозлар мавжуд бўлганда, Умумий йиғилиш видеоконференц-алоқа тарзида ўтказилиши мумкин.

#### **4. ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ**

**4.1** Йиллик Умумий йиғилишни ўтказишга пухта тайёргарлик кўрилишини таъминлаш мақсадида, Банкнинг Корпоратив маслаҳатчиси ва Қимматли қоғозлар ва акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими Бош офиснинг бошқа тегишли таркибий бўлинмалари билан биргаликда:

Умумий йиғилиш кун тартиби, Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолигига кўрсатилган номзодлар бўйича Банк акциядорларининг таклифларини олади ва умумлаштиради;

Банк фойдасини тақсимлаш ва дивидендлар тўланиши (иқтисодий асосланиш), Саноқ комиссияси таркибига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлайди, Умумий йиғилишнинг регламенти, унда кўриб чиқиладиган бошқа ҳужжатларнинг лойиҳасини ишлаб чиқади;

Банк Кенгаши ва Бошқарув ҳисоботлари, Банкнинг йиллик ҳисоботи, Бизнес-режаси ижроси ва молиявий кўрсаткичлари ҳақида (аввалги йилларга таққослаган ҳолда) маълумот ва материаллар ҳамда бошқа зарур ҳужжатларнинг лойиҳасини тайёрлайди;

Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой, уни ўтказилиши ҳақида хабар қилиш тартиби, овоз бериш бюллетенининг шакли ҳамда Умумий йиғилишни ўтказишга таалуқли бошқа масалалар бўйича таклифларни тайёрлайди;

Умумий йиғилиш кун тартиби ҳамда Банк бошқарув ва назорат органларига номзодлар бўйича таклифлар, материаллар ва ҳужжатлар ишлаб чиқилиб тайёрлагандан сўнг, уларни Банк Кенгаши муҳокамасига киритади.

**4.2** Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда Банк Кенгаши, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда эса, Умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

Умумий йиғилишнинг кун тартибини;

Умумий йиғилиш ўтказиш учун Банк акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини;

Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;  
овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

**4.3** Умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги хабар Умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан камида 7 (етти) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин Банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади (ушбу Низомнинг 3 -илоvasи).

**4.4** Умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

Банкнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

Банк акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

**4.5** Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Банкнинг йиллик ҳисоботи, Банк Тафтиш комиссияси ва аудиторлик ташкилотининг хулосалари, Банк Кенгашининг Бошқарув Раиси ҳамда Бошқарув аъзолари билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек Банк Кенгаши ҳамда Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Банкнинг Уставига, бошқа ички ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Банкнинг янги таҳрирдаги Устави ва бошқа ички ҳужжатлар лойиҳаси, Банк Бошқаруви ва Банк Кенгашининг Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари киради.

**4.6** Умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар акциядорларнинг талабига кўра йиғилиш кун тартиби, шу жумладан, Банк Кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотлар тақдим этилади. Агар Банк акциядорлари реестрида рўйхатдан ўтказилган шахс акцияларнинг номинал сақловчиси бўлса, Умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги хабар акцияларнинг номинал сақловчисига юборилади. Акцияларнинг номинал сақловчиси уни ўз мижозларига қонун ҳужжатларида ёки мижоз билан тузилган шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда етказиши шарт.

**4.7** Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банкнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай йиллик Умумий йиғилиш кун тартибига масалалар ва соф фойдани тақсимлаш юзасидан таклифлар киритишга ҳамда Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли (мазкур Низомнинг 4-илоvasи).

**4.8** Акциядорлар (акциядор) Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига йиллик Умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан 3 (уч) иш кундан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

**4.9** Умумий йиғилишнинг кун тартибига масала, уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи),

уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

**4.10** Банк Кенгашига ва Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Банк акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

**4.11** Банк Кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу Низомнинг 4.7 ва 4.8-бандларида белгиланган муддатлар тугганидан сўнг, 10 (ўн) кундан кечиктирмай уларни Умумий йиғилиш кун тартибига киритиш тўғрисида ёки киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

**4.12** Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Банкнинг Кузатув Кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ушбу Низомнинг 4.7-бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан роя этилмаган бўлса;

акциядорлар (акциядор) Банкнинг ушбу Низомнинг 4.7-бандида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

ушбу Низомнинг 4.9-бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

таклифлар қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

**4.13** Банк Кенгашининг масалани Умумий йиғилиш кун тартибига ёки номзодни Банк Кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

**4.14** Банк Кенгашининг масалани йиғилиш кун тартибига ёки номзодни Банк Кенгашига ва Тафтиш комиссиясига номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

## **5. НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ**

**5.1** Навбатдан ташқари Умумий йиғилиш Банк Кенгашининг қарорига кўра қуйидагилар асосида ўтказилади:

Банк Кенгашининг ўз ташаббуси асосида;

Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра;

тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгаллик қилувчи акциядор(лар)нинг ёзма талаби асосида (ёзма талабнинг намунавий шакли ушбу Низомнинг 5-иловасида келтирилган).

**5.2** Банк Тафтиш комиссияси ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) навбатдан ташқари Умумий йиғилиш ўтказиш ҳақидаги ёзма талабига кўра бундай талаб тақдим этилган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай Банк Кенгаши томонидан қақрилади.

**5.3** Навбатдан ташқари Умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар, уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

**5.4** Банк Кенгаши Банк Тафтиш комиссиясининг ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра қақриладиган навбатдан ташқари Умумий



йиғилиш кун тартибдаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

**5.5** Навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш тўғрисидаги талаб акциядор (акциядорлар) томонидан билдирилганда, бу талабда Умумий йиғилиш чақирилишини талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

Навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш тўғрисидаги талаб навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

**5.6** Банкнинг Тафтиш комиссияси ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 (ўн) кун ичида Банк Кенгаши навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

**5.7** Банк Тафтиш комиссияси ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) талабига кўра навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) 5 (беш) фоиз миқдордаги Банк овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам Умумий йиғилишнинг ваколат доирасига кирмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала тегишли Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

**5.8** Банк Кенгашининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш тўғрисидаги ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай юборилади.

**5.9** Банк Кенгашининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**5.10** Банк Кенгаши ушбу Низомда белгиланган муддат ичида навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, навбатдан ташқари йиғилиш уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда Умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни Умумий йиғилишнинг қарорига кўра Банкнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

**5.11** Банк Кенгашининг ваколатини муддатидан олдин тўхтатиш масаласи бўйича Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиш қуйидаги ҳолларда амалдаги қонунчилик, Банк Устави ва мазкур Низомда белгиланган тартибда чақирилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Банк Устави ва Умумий йиғилиш қарорларига риоя қилмаслик;

ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкка зарар етказганлик, акциядорларнинг мулкий ҳуқуқларига зиён етказиш, шу жумладан, Банк фаолиятининг жиддий ёмонлашуви, фойда ва рентабелликнинг кескин пасайиши, хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг асоссиз равишда камайиб кетиши билан боғлиқ зиён етказганлик;

Банкнинг иқтисодий ночорлиги (банкротлиги) белгилари мавжудлиги ёки уларнинг пайдо бўлиш хавфи, давлат бюджети, бюджетдан ташқари

жамғармалар олдидаги ҳамда ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича барқарор қарздорлик юзага келиши (мавжудлиги).

**5.12** Навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш тўғрисидаги талабномада Банк Кенгаши ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги масаладан ташқари, йиғилиш кун тартибига Банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш масаласи бўйича алоҳида таклиф киритилиши керак.

**5.13** Навбатдан ташқари Умумий йиғилишни ўтказишга Банк Кенгаши, Бошқаруви, Корпоратив маслаҳатчиси ва навбатдан ташқари йиғилишни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан қонунчиликда, Банк Устави ва мазкур Низомда ўрнатилган тартибда тайёргарлик кўрилади.

## **6 УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ КВОРУМИ**

**6.1** Агар Умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Умумий йиғилиш ваколатли (кворумга эга) бўлади.

**6.2** Умумий йиғилишни ўтказиш учун кворум бўлмаса, такрорий Умумий йиғилишни ўтказиш санаси эълон қилинади. Такрорий Умумий йиғилишни ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

**6.3** Агар ўтказилмай қолган йиғилиш ўрнига чақирилган такрорий Умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 (қирқ) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий Умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

**6.4** Такрорий Умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабар қилиш ушбу Низомда назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

**6.5** Кворум бўлмаганлиги сабабли Умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 (йигирма) кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

## **7. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ**

**7.1** Умумий йиғилишнинг Раёсати, Котиби (Котибияти) ва Саноқ комиссияси унинг ишчи органлари бўлиб ҳисобланади.

### **7.2 Умумий йиғилиш Раёсати**

Умумий йиғилиш Раёсати Умумий йиғилишда сайланади. Бунда Раёсат таркибига лавозимга кўра Банк Кенгаши Раиси киради. Шунингдек, Раёсат таркибига Банк Кенгаши аъзолари, Бошқарув Раиси ва аъзолари ҳамда таклиф этилган бошқа шахслар киритилиши мумкин.

Умумий йиғилиш Раиси йиғилиш Раёсатига бошчилик қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва бунинг учун у ўз вазифаларини тўлиқ бажарилиши учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

Умумий йиғилиш Раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қилади, Ишчи органлар ишини мувофиқлаштиради, йиғилишни белгиланган регламент доирасида ўтишини таъминлайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, йиғилишда тартиб ўрнатилишини назорат қилади. Умумий йиғилиш Раиси Умумий йиғилиш баёни ва қарорини имзолайди.

### **7.3 Саноқ комиссияси**

Овозларни санаб чиқиш, акциядорларни рўйхатга олиш учун Умумий йиғилиш 3 (уч) кишидан кам бўлмаган таркибда келгуси йиғилишгача бўлган муддатга Умумий йиғилишнинг мустақил органи бўлмиш Саноқ комиссиясини

сайлайди. Саноқ комиссиясининг шахсий таркиби, шунингдек у тўғрисидаги Низом Банк Кенгашининг таклифига биноан Умумий йиғилиш томонидан тасдиқланади. Саноқ комиссияси таркибига Банк кенгаши, Тафтиш комиссияси аъзолари, Бошқарув аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

Саноқ комиссияси ваколатларининг муддати Умумий йиғилиш томонидан сайланган пайтдан бошлаб кейинги тегишли Умумий йиғилиш (йиллик ёки навбатдан ташқари) томонидан Саноқ комиссиясининг шахсий таркиби сайланганига (ёки қайта сайланиши) қадар ҳисобланади.

Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида Саноқ комиссияси “Ориент Финанс” ХАТБ Саноқ комиссияси тўғрисида”ги Низомга асосан қуйидагиларни амалга оширади:

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузади;

овоз бериш бюллетенларини ва Умумий йиғилишнинг бошқа материалларини беради ва юборади, берилган (юборилган) бюллетенлар ҳисобини олиб боради.

Умумий йиғилишда олдинги Умумий йиғилиш томонидан сайланган Саноқ комиссияси қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказиш;

ишончномалар ва улар томонидан берилган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;

Умумий йиғилиш қатнашчиларига овоз бериш бюллетенларини ва Умумий йиғилишнинг бошқа ахбороти (материаллари)ни тақдим этади;

Умумий йиғилиш кворуми мавжудлигини аниқлайди ва у тўғрисида Умумий йиғилишга ахборот беради;

Умумий йиғилиш Ишчи органларини сайлашни ташкил этади;

Бўлиб ўтаётган Умумий йиғилиш томонидан сайланган (қайта сайланган) Саноқ комиссияси:

акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан Умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш муносабати билан пайдо бўлувчи масалаларни тушунтиради;

овоз беришга қўйилаётган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда қатнашиши ҳуқуқини таъминлайди;

овозларни санайди, овоз бериш яқунларини чиқаради ва овоз бериш яқунлари бўйича Умумий йиғилишга ахборот беради;

овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади;

Умумий йиғилиш ҳужжатлари, шу жумладан овоз бериш бюллетенлари (муҳрланган ҳолда), ишончномалар (нусхалари) ва бошқа ҳужжатларни Банк архивига топширади;

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларга маълумотнома ва рўйхатдан кўчирмалар беради.

Умумий йиғилиш очилишидан аввал Банкнинг Саноқ комиссияси йиғилишга келган акциядорлар ва уларнинг вакилларининг рўйхатдан ўтиш натижалари, кворум мавжудлиги тўғрисида Умумий йиғилишга ахборот беради.

#### **7.4 Умумий йиғилиш Котиби (Котибияти):**

Умумий йиғилиш Банк Кенгаши таклифига кўра оддий кўпчилик овоз билан йиғилиш Котиби (Котибияти)ни сайлайди. Банкнинг Корпоратив маслаҳатчиси умумий йиғилиш котиби (котибияти) сифатида сайланиши мумкин. Умумий йиғилиш котиби (котибияти) Умумий йиғилиш баённомасининг тўғри ва

қонунчиликда ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган талабларга мос равишда расмийлаштирилишини таъминлайди.

Умумий йиғилиш котиби (котибияти):

Умумий йиғилишнинг боришини баёнга қайд этиб боради;

ёзма буюртмалар бўйича йиғилиш кун тартиби масалаларини муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирувчилар рўйхатини тузади;

Умумий йиғилиш баённомасини тузади.

## **8. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ОВОЗ БЕРИШ**

**8.1.** Умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқига қуйидагилар эга:

Банкнинг оддий акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар - кун тартибига киритилган барча масалалар бўйича;

Банкнинг имтиёзли акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар - фақат Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари, шунингдек Банк Уставига имтиёзли акция эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этишда.

**8.2.** Акциядор бўлмаган Банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзолари Умумий йиғилишда маслаҳат овози бериш ҳуқуқига эга.

**8.3.** Умумий йиғилишда овоз бериш «Банкнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз» қонунчилиги мувофиқ ўтказилади. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш жараёнида акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни бир номзод учун тўлиқ беришга ёки уларни бир қанча номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли (кумулятив овоз бериш). Энг кўп овоз олган номзодлар Кенгаш таркибига сайланган ҳисобланадилар.

**8.4.** Умумий йиғилишда унинг кун тартибига киритилган барча масалалари бўйича овоз бериш бюллетенлар ёрдамида амалга оширилади. Умумий йиғилишнинг регламентини, Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш масалалари бўйича алоҳида бюллетен орқали овоз берилди.

**8.5.** Овоз беришда акциядор (унинг вакили) қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Юқорида қайд этилган талабларга ҳилоф тарзда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб эътироф этилиб, уларда бу масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

**8.6.** Агар овоз бериш бюллетени овозга қўйилган бир нечта масалани қамраб олган бўлса, бир ёки бир нечта масала бўйича юқорида қайд этилган талабга риоя этмаслик овоз бериш бюллетенининг бутунлай ҳақиқий эмас деб эътироф этилишига олиб келмайди.

**8.7.** Банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси, Бошқарув аъзолари уларни жавобгарликка тортиш ёки лавозимидан четлаштириш ёхуд улар томонидан имзоланган ҳужжатларни тасдиқлаш масалалари ҳал этилаётган вақтда, шунингдек, акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзолари уларнинг ўзлари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар.

**8.8.** Умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорга унинг ҳисобидан ўзи тўлдирган овоз бериш бюллетени нусхасини олиши имкони берилди.

**8.9.** Умумий йиғилишда акциядорлар овоз беришда ўз позицияларини шакллантириш мақсадида акциядорлик битимини тузишлари мумкин.

**8.10.** Овоз бериш яқунлари бўйича Саноқ комиссияси овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, у Саноқ комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади. Саноқ комиссияси овоз бериш бюллетенларини муҳрлайди. Саноқ

комиссияси баённомаси Умумий йиғилишнинг махсус қарори билан тасдиқланмайди, маълумот учун қабул қилинади ҳамда Умумий йиғилиш баённомасига қўшиб қўйилади.

## **9. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ РЕГЛАМЕНТИ**

**9.1.** Умумий йиғилиш қонунчилик ҳужжатлари, Банк Устави, ушбу Низом ва Умумий йиғилишнинг регламентига асосан олиб борилади ва ўтказилади.

**9.2.** Умумий йиғилишнинг регламенти ҳар бир Умумий йиғилишда Банк Устави ва мазкур Низомга мувофиқ тасдиқланади.

**9.3.** Умумий йиғилишнинг регламентида (олиб бориш тартиби) йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиш вақти, кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар вақти ва танаффуслар, кун тартиби масалаларининг изчиллиги, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимлари, кун тартибидаги масалалар бўйича овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларининг эълон қилиш тартиби белгиланади.

**9.4.** Умумий йиғилишни Банк Кенгашининг Раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Банк Кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

**9.5.** Умумий йиғилиш Раисининг рухсатига асосан Умумий йиғилишнинг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляцияси амалга оширилиши мумкин.

**9.6.** Банк Кенгаши Раиси Умумий йиғилишнинг Раёсатини ва Котиби (котибияти)ни сайлашни таклиф этади. Раёсат таркиби ва Котиб (Котибият) йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар томонидан қўл кўтариш йўли билан сайланади.

**9.7.** Умумий йиғилишнинг регламенти, Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш масалалари биринчи навбатда кўриб чиқилади. Ушбу масалалар бўйича овоз бериш натижалари олдинги Умумий йиғилиш томонидан сайланган Саноқ комиссияси томонидан белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади ва эълон қилинади. Шундан сўнг, Умумий йиғилишда кун тартибидаги бошқа масалаларни кўриб чиқишга, уларнинг муҳокамасига ва улар бўйича овоз беришга ўтилади.

**9.8.** Умумий йиғилишда ҳисобот берувчи Банк бошқарув ва назорат органлари вакилларининг маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига қуйидаги талаблар қўйилади:

Банк Кенгаши ва Бошқарувининг ҳисоботи ва Тафтиш комиссиясининг хулосаси ёзма ва оғзаки шаклда бўлиши лозим;

Банк Кенгаши ва Бошқарувининг ҳисоботида Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, Бизнес-режа ижроси, Банкнинг асосий молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлари (даромад, харажатлар, фойда, капитал, ликвидлик, Банк активлари, хусусан кредит портфели ҳолати, мижозлар сони ва бошқа маълумотлар) аввалги йилларга таққослаган ҳолда кўрсатилиши керак;

Тафтиш комиссиясининг хулосасида Банкнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартибига риоя қилиниши/бузилганлиги, молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатларига риоя қилиниши/бузилганлиги тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

Банк Кенгаши ва Бошқарувининг ҳисоботи матни ва Тафтиш комиссиясининг хулосаси Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилади. Шунингдек, маърузалар

(ҳисоботлар)нинг асосий қоидалари (мазмуни) Умумий йиғилишнинг баённомасида кўрсатилади.

**9.9.** Кун тартибига киртилган ва муҳокама қилинаётган масала бўйича йиғилиш давомида юзага келадиган жорий масалаларни Умумий йиғилиш бош тамойили: ҳар бир қатнашчининг белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чиқиб, Умумий йиғилиш Раиси ҳал этади.

**9.10.** Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар Умумий йиғилиш котиби (котибияти)га муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда буюртнома берадилар.

**9.11.** Умумий йиғилишда Банк Кенгаши, Бошқарув ва Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдори, шунингдек, Банк фойдасининг тақсимланиши, хусусан дивидендлар миқдорининг асосланиши, Банкнинг Дивиденд сиёсатиға мувофиқлигининг баҳоланиши ошкор қилинади.

**9.12.** Умумий йиғилишда Банк Кенгаши аъзолари, Банк акциядорлари, бошқарув ва назорат органи аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорлик, шунингдек барча акциядорларга, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил муносабат таъминлаб берилади.

**9.13.** Кун тартибидаги барча масалалар муҳокама қилингандан, улар бўйича овоз бериш яқунлангандан ва овоз бериш натижалари ўқиб эшиттирилгандан сўнг, Умумий йиғилиш Раиси яқунловчи нутқ сўзлайди ва йиғилишни ёпиқ деб эълон қилади.

## **10. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ БАЁННОМАСИ**

**10.1.** Умумий йиғилишнинг баённомаси у ёпилганидан кейин 10 (ўн) кундан кечиктирмай 2 (икки) нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам Умумий йиғилишда раислик қилувчи ва Умумий йиғилиш Котиби томонидан имзоланади.

**10.2.** Умумий йиғилишнинг баённомасида:

Умумий йиғилиш ўтказилган сана, вақт ва жой;

Банкнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

Умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

Умумий йиғилишнинг Раиси (раёсати) ва Котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

**10.3.** Умумий йиғилишнинг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим. Умумий йиғилишнинг баённомаси акциядорлар учун очиқ ҳужжат ҳисобланади.

Умумий йиғилиши баённомалари йиғилишнинг баённомалари дафтариди қайд этилади. Ушбу баённомалар дафтари тикилган, рақамланган ва Банкнинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим ва Банкнинг Корпоратив маслаҳатчисида сақланади.

**10.4.** Умумий йиғилиш баённомаси имзолангач, йиғилиш Котиби ва Санок комиссияси Умумий йиғилиш ҳужжатларини, шу жумладан акциядорларни қайд этиш рўйхатини, ишончномаларини, Санок комиссияси аъзолари томонидан имзоланган овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённомалар, муҳрланган овоз бериш бюллетенлари ва Умумий йиғилишнинг баённомасини ҳамда бошқа Умумий йиғилиш ҳужжатларини архивда сақлаш учун топширади.

**10.5.** Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорлар, овоз бериш яқунлари қуйидаги тартибда акциядорлар эътиборига етказилади:

овоз бериш яқунлари Умумий йиғилишда ўқиб эшиттирилади;

Умумий йиғилиш ёпилганидан кейин овоз бериш яқунлари тўғрисидаги ҳисобот муҳим факт сифатида белгиланган тартибда эълон қилинади;

шунингдек Банкнинг Бош офиси ва филиаллари орқали улар қабул қилинган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай, акциядорлар эътиборига етказилади.

**10.6.** Умумий йиғилиш қарорларининг бажарилиши Банк Кенгаши, Бошқарув Раиси ҳамда Бошқарув аъзолари томонидан таъминланади. Умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат, агар йиғилиш қарорида бошқача кўрсатилмаган бўлса ва баённомада қайд этилмаган бўлса, Банк Кенгаши томонидан амалга оширилади.

**10.7.** Умумий йиғилиш қарорлари Умумий йиғилишда иштирок этган, шунингдек ҳозир бўлмаган ва иштирок этмаган барча акциядорларга, уларга тегишли қисми бўйича бажарилиши учун мажбурийдир.

## **11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

**11.1.** Мазкур Низом Умумий йиғилиш томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради ва шу муносабат билан Умумий йиғилишнинг 2014 йил 21 августдаги баённома-қарори билан тасдиқланган ““Ориент Финанс” хусусий акциядорлик тижорат банкининг Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом ўз кучини йўқотади.

**11.2.** Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Умумий йиғилиш қарорига асосан киритилади. Мазкур Низом қоидалари уларнинг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Банк Устави талабларига ва корпоратив бошқарувнинг илғор амалиётига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда қайта кўриб борилади.

**11.3.** Агар мазкур Низомнинг айрим қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Банк Уставига зид келиб қолса, бундай қоидалар ўз кучини йўқотади, мазкур Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Банк Уставига риоя қилинади.

**11.4.** Ушбу Низомнинг асл нусхаси Банкнинг Юридик хизмат департаменти Методология бўлимида сақланади.

**“Ориент Финанс” ХАТБ**  
**Акциядорларининг умумий**  
**йигилиши тўғрисида”ги Низомга**  
**1-илова**

201\_ йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни бўлиб ўтадиган  
**«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки**  
**Акциядорларининг навбатдаги йиллик/навбатдан ташқари умумий йигилишида**

**АКЦИЯДОРЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ РЎЙХАТИ**

Акциядорлар рўйхати 201\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ кунига Марказий рўйхатдан ўтказувчи томонидан  
 шакллантирилган Банк акциядорлари реестри асосида тузилган

Овоз берувчи акциялар сони - \_\_\_\_\_ дона ( \_\_\_\_\_ сўм)

Т/р	КЗЛ	Акциядор номи	Овоз берувчи акциялар сони	Овоз берувчи акцияларига нисбатан %	Акциядор имзоси	Акциядор вакили иштирок этганда тўлдирилади		
						Акциядор вакилининг Ф.И.Ш.	Ишончнома санаси ва рақами	Вакилнинг имзоси
1								
2								
3								

Умумий йигилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказилган барча акциядорлар (уларнинг вакиллари) жами сони: \_\_\_\_\_,

Кворум мавжудлиги (овоз берувчи акцияларнинг умумий сонидан фоизларда) \_\_\_\_\_%.

Саноқ комиссияси аъзолари имзолари:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_



**“Ориент Финанс” ХАТБ  
Акциядорларининг умумий  
йиғилиши тўғрисида”ги Низомга  
2-илова**

**«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки  
Акциядорларининг навбатдаги йиллик/навбатдан ташқари умумий йиғилишида  
овоз бериш учун**

**№ \_\_\_\_\_ - сонли БЮЛЛЕТЕНИ**

Овоз берувчи акциялар сони:

_____
<b>дона</b>

Умумий йиғилиш ўтказиладиган жой манзили: \_\_\_\_\_

Умумий йиғилиш санаси ва вақти: 201\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_; соат: \_\_\_\_\_

Акциядор \_\_\_\_\_  
Номи/Ф.И.Ш

Акциядорнинг вакили Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Ишончнома санаси ва рақами: 201\_ йил \_\_\_\_\_; № \_\_\_\_\_;

№	Кун тартибдаги масалалар	Овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи	Овоз бериш вариантлари* (кераксизини ўчиринг)		
			ёқлайман	қаршиман	бетарафман
1			ёқлайман	қаршиман	бетарафман
2			ёқлайман	қаршиман	бетарафман
...			ёқлайман	қаршиман	бетарафман

**Кумулятив овоз беришга қўйилган масала**

*Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банк Кенгашига сайланиши позим бўлган номзодлар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.*

Кумулятив овоз беришдаги акциялар сони: \_\_\_\_\_

№	Номзодлар	Иш жойи	Номзод - акциядорга тегишли акциялар сони	Акциялар тури	Ёқлайман (овозлар сони кўрсатилсин)
1					
2					
3					

**Акциядор ёки унинг вакилининг имзоси**

\_\_\_\_\_  
(овоз бериш бюллетени акциядор/унинг вакили томонидан имзоланиши позим)

**\*Овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдиринг**

“Ориент Финанс” ХАТБ  
Акциядорларининг умумий  
йиғилиши тўғрисида”ги Низомга  
3-илова

**ОРИЕНТ ФИНАНС» ХАТБ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ  
НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА  
ХАБАРНОМА**

**ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!**

«Ориент Финанс» ХАТБ Акциядорларининг навбатдаги йиллик/навбатдан ташқари умумий йиғилиши 201\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни, \_\_\_\_\_ манзили (Банкнинг электрон почта манзили \_\_\_\_\_) бўйича ўтказилади.  
Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти: \_\_\_\_\_;  
Акциядорлар умумий йиғилиши бошланадиган вақт: \_\_\_\_\_;  
Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси: \_\_\_\_\_.

**ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:**

1. ....
2. ....
3. ....

Акциядорлар шахсан ёки уларнинг вакиллари шахсини тасдиқловчи ҳужжат, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома (жисмоний шахс вакиллари нотариал тасдиқланган, юридик шахс вакиллари ташкилот томонидан берилган ишончнома) билан йиғилишда иштирок этишлари мумкин.

Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотлар (материаллар), йиғилишда кўриб чиқиладиган масалаларга оид ҳужжат ва маълумотлар билан «Ориент Финанс» ХАТБ (Бош офис)да \_\_\_\_\_ манзилда ушбу хабар эълон қилинган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат \_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ гача танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон: \_\_\_\_\_

**«ОРИЕНТ ФИНАНС» ХАТБ КЕНГАШИ**

“Ориент Финанс” ХАТБ  
Акциядорларнинг умумий  
йиғилиши тўғрисида”ги  
Низомга 4-илова

«ОРИЕНТ ФИНАНС» ХАТБга

Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига масала киритиш тўғрисида  
ТАКЛИФ

“Ориент Финанс” ХАТБнинг акциядори - \_\_\_\_\_ Банк  
Акциядорлари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги таклифларни билдиради.

Жами акциялар сони: \_\_\_\_\_ та, шу жумладан, овоз берувчи акциялар сони \_\_\_\_\_ та  
(«Ориент Финанс» ХАТБ жами овоз берувчи акцияларининг камида \_\_\_\_\_ %ини ташкил  
этади), имтиёзли акциялар сони \_\_\_\_\_ та.

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритилаётган масала, уни қўйиш  
сабаблари:

---

---

---

---

Банк Кенгаши таркибига номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, эгаллаган лавозими, уларга  
тегишли акциялар сони ва тури):

---

---

---

---

Банк Тафтиш комиссияси таркибига номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, эгаллаган лавозими,  
уларга тегишли акциялар сони ва тури):

---

---

---

---

Акциядорнинг Ф.И.Ш.  
(Акциядор ташкилот раҳбари)  
М.Ў.

\_\_\_\_\_  
(имзо, сана)

**“Ориент Финанс” ХАТБ  
Акциядорларнинг умумий  
йиғилиши тўғрисида”ги Низомга  
5-илова**

**«ОРИЕНТ ФИНАНС» ХАТБга**

**Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ҳақида  
ТАЛАБ**

“Ориент Финанс” ХАТБнинг акциядори- \_\_\_\_\_ Банк Акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақиришни талаб қилади.

Жами акциялар сони: \_\_\_\_\_ та, шу жумладан, овоз берувчи акциялар сони \_\_\_\_\_ та («Ориент Финанс» ХАТБнинг жами овоз берувчи акцияларининг камида \_\_\_\_\_%ини ташкил этади), имтиёзли акциялар сони \_\_\_\_\_ та

Талабнинг мазмуни (Акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши чақирилишининг сабаби):

---

---

---

---

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритилаётган масала, уни қўйиш сабаблари:

---

---

---

---

Банк Кенгаши таркибига номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, эгаллаган лавозими, уларга тегишли акциялар сони ва тури):

---

---

---

---

Акциядорнинг Ф.И.Ш.  
(Акциядор ташкилот раҳбари)  
М.Ў.

\_\_\_\_\_  
(имзо, сана)